

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил январь ойининг 04 куни, жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ж.Хўжамбердиев, А.Содиқжоновнинг котиблигида, Олтиариқ туман прокурорининг ёрдамчиси Х.Рахматиллаев, гумонланувчи У.Курбанов унинг ҳимоячиси О.Рахимов, жабрланувчи Н.Уринбоевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан Курбанов Улугбек Эргашевичга оид 1-1514-2402/1-сонли жиноят ишини кўриб, қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Курбанов Улугбек Эргашевич, 1988 йил 01 июль куни Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, мукаддам судланмаган, ишламайди, Олтиариқ тумани, Обод МФЙ, Оюод кўчаси, 10-уйда яшайди.

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, гумонланувчи У.Курбанов 2023 йил 28 ноябрь куни соат 21:10 ларда Олтиариқ тумани, Гулистон МФЙ ҳудудида жойлашган савдо дўконига келиб, бу ерда ўзига олдиндан таниш бўлган жабрланувчи Н.Уринбоевни кўриб, у билан ўрталаридаги мавжуд бўлган низони бартараф қилиш мақсадида уни йўлнинг четига олиб ўтиб, ушбу низони ҳал қила олмасдан ўзаро гап талашиб жанжаллашган. Жанжалда У.Курбанов қўли билан Н.Уринбоевни уриб тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 01 декабрь кунги 8775-сонли хулосасига кўра Н.Уринбоевда ўнг ўмров суягининг акромиалл бурчагидан травмилик чикиши, бурун суягини ёпиқ синиши ва деформацияси ҳамда шилинмаси, бош мия чайқалиши, иккала кўз қовоқларининг қонталаши ва ўнг кўз олмосига қон қуйилиши каби жароҳатлар аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари 21 кундан ортиқ муддатга соғликни бузилишига олиб келган ўртача оғирликдаги шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатиб ўтилган.

Гумонланувчи У.Курбанов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.Уринбоев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумонланувчи У.Курбанов нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши



билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи ва гумонланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини, жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Олтиариқ туман прокурори ёрдамчиси Х.Рахматиллаев ва ҳимоячи О.Рахимовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумонланувчи У.Курбановнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумонланувчи, ва жабрланувчи хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушушини инобатга олиб, У.Курбановга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек, суд жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларга амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Курбанов Улугбек Эргашевич ва жабрланувчи Уринбоев Нодирбек Комиловичнинг ярашилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан Курбанов Улугбек Эргашевич жавобгарликдан озод қилинсин.

Курбанов Улугбек Эргашевичга нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Хўжамбердиев

